
Расмий муносабат

Бугун ижтимоий тармоқларда алюмин профилли эшик-ромлар ясаш билан шуғулланувчи, ўзини тадбиркор дея таништирган фуқаро томонидан “2021 йилда Ўзбекистон туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш учун эшик-ромларни ўрнатиш учун келишилганлиги, лекин келишувдаги маблағнинг маълум бир қисмини ололмаётганлиги” ҳақидаги аудио ёзуви тарқалди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш бўйича туман ҳокимлиги ҳамда пудратчи ташкилот “97-ХМКК” МЧЖ ўртасида 2021 йилда тегишли шартномалар тузилган бўлиб, амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун тегишли маблағ (яъни, шартномаларда кўрсатилган маблағ) амалдаги тартиблар асосида пудратчи ташкилот ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказдириб берилган.

Бинони таъмирлаш юзасидан ҳокимлик томонидан айнан “97-ХМКК” МЧЖ дан бошқа ҳеч бир бошқа пудратчи ташкилот ёки тадбиркорлик субъекти билан ҳуқуқий асосдаги шартнома тузилмаган.

Шунингдек, мурожаатчининг 2021 йил давомида тумандаги 8 та мактабларда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан боғлиқ вазлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Умумтаълим мактабларида бажарилган ҳар бир қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳа ҳужжатларига асосан буюртмачи ташкилотининг мутахассислари (техник назоратчилар) томонидан назоратга олиниб, амалдаги тартибларга мувофиқ қабул қилиб олинган.

2022-05-07 12:30:25